

QISHLOQ HAYOTI № 26 (9137)-son

Ўзбекистон Республикаси
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi
1974-yil 1-yanvardan
chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРИ ВА ТАТАРИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР БОРЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 июнь куни Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги Россия делегациясини қабул қилди.

Мамлакатимиз ҳудудларининг Татаристон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари Тошкент вилояти мисолида қўриб чиқилди.

натижалари ҳам буни яна бир бор тасдиқлади. Қўшма индустриал парк ташкил этиш, кимёвий, металл, электротехника маҳсулотлари ва турли усуналар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик корхоналар барпо этиш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш, рақамлаштириш ва инновацион ечимларни жорий қилиш лойиҳалари шулар жумласидан.

Учрашувда талаб юқори бўлган санонат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш мақсадида кенг савдо-логистика тармоғини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди. Бундан ташқари, шаҳарсозлик, уй-жой коммунал хўжалик ва ободонлаштириш соҳасини бошқариш, транспорт коммуникациялари ва инфратузилмасини такомиллаштириш борасида ҳамкорлик қилиш ва шу соҳалардаги илғор тех-

нологияларни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги фаол алмашинувлар ҳам давом эттирилади. Учрашув якунида қўшма “йўл харита”лари асосида муҳим йўналишлар бўйича амалий шериклик лойиҳаларини илгари суриш юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, уларни оммавий ҳаракатга айлантириш, аҳолининг жисмоний қобилиятини аниқлаш ва рағбатлантириш, зарарли одатлар ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 августдан бошлаб **Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими** (кейинги ўринларда – баҳолаш тизими) жорий этилсин ва куйидагилар унинг **асосий мақсади** этиб белгилансин: аҳолининг барча қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш орқали жисмоний қобилият ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш ҳамда зарарли одатлар ва турли касалликларнинг олдини олиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш;

ёшларда ирода, ўз кучи ва имкониятларига ишонч каби фазилатларни мустақамлаш, уларда жасорат, ватанпарварлик ва садоқат хислатларини ривожлантириш, юртимиз шарафини ҳимоя қила оладиган, жисмонан бақувват ва интеллектуал салоҳиятли Ватан мудофасига муносиб захира кадрларни тайёрлаш;

республика ҳудудиди, шу жумладан, олис ҳудудларда жойлашган қишлоқлар, овуллар, маҳаллаларда аҳолини соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш; аҳоли жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашнинг халқаро стандартлари ва илғор хорижий тажрибасини татбиқ этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки: баҳолаш тизими бўйича спорт синовлари (кейинги ўринларда – спорт синовлари) **махсус ва ихтиёрый равишда аҳолининг етти ёшдан етмиш ёшгача** бўлган қатлами ва ундан катталарнинг жисмоний тайёргарлигини аниқлайди;

спорт синовлари поғона ва мураккаб даражасидан келиб чиқиб, **15** турдаги, шу жумладан, **узоқ ва қисқа масофаларга югуриш ҳамда суриш, турикда тортилиш, анжомларни улоқтириш ва бошқа машқлардан иборат бўлади;**

спорт синовлари иштирокчиларига **11 та ёш тоифаси** бўйича эгаллаган ўрни ва даражасига қараб **спорт разрядлари ва унволлари берилди** ҳамда улар моддий ва бошқа совғалар билан рағбатлантирилади; Туризм ва спорт саноати бўйича спорт синовлари тадбирлари **ўтказилишининг ташкилотчиси** ҳисобланади.

3. Куйидагилар: **Спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича Республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) **таркиби** 1-иловага мувофиқ; **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида спорт синовларининг ўтказилишини таъминлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларининг намунавий** (кейинги ўринларда – ҳудудий ишчи гуруҳлари) **таркиби** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Куйидагилар белгилансин: **а) Республика комиссиясининг асосий вазифалари** этиб: ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларида спорт синовларини ўтказиш “йўл харитаси” ва мuddатларини белгилаш;

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ►►

“Президент таклифи амалда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 21-22 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида Олтинкўл туманидаги “Кўҳна водий баҳори” фермер хўжалиги фаолияти билан танишиб, ғўза қатор ораларига соя экиш бўйича Андижон тажрибасини яратиш таклифини берган эди.

СОЯ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА АНДИЖОН ТАЖРИБАСИ ЯРАТИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг таклифи мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга йўл очиб берди. Жорий йилда вилоятнинг барча туманларидаги бир қатор фермер хўжаликлари томонидан 25 минг гектар майдондаги ғўза қатор ораларига соя экилиб парваришланмоқда. Умуман, вилоятда ғўза қатор ораларида соя етиштириш бўйича қўриқчилик борилган ишлар самарали натижалар бермоқда, муайян тажрибалар шаклланди.

Мутоҳасисларнинг таъкидлашича, ғўза ва сояни бирдан экиш тупроқ унумдорлигини ошириш, қўшимча дон, тоза ўсимлик мойи олиш, шу билан бирга, ғўзанинг маъданли ўғитларга бўлган талабини камайтириш, тупроқда экологик тоза муҳит яратиш ва органик маҳсулотни юзага келтириш имконини беради.

– Туманимиздаги 274 та фермер хўжалиги далаларидаги 2 минг 55 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига соя экилган, – дейди Пахтабод туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ғайратжон Раҳимов. – Айни кунга қадар

сояни парваришлаш бўйича белги-ланган барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилди. Амалиётда ғўза қатор орасига илк бор соя эккан бўлсақда, соя ниҳоллари жуда чиройли ривожланди, ундан мўл ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Соя, айниқса, уни ғўза қатор ораларида етиштириш ишларини илмфан ютуқлари, илғор технологиялар асосида ташкил этиш муҳимдир. Бу ердан унумли фойдаланиш, пахта ҳосилдорлигини, қолаверса, халқ хўжалиги учун ўта фойдали бўлган соя етиштириш хажмини ҳамда хўжалиқлар даромадини янада ошириш имконини беради.

– Андижон шароитида ҳар бир қарич экан майдонидан унумли фойдаланишни тақозо этади, – дейди Пахтабод тумани “Дўстлик” массивидаги “Дўстлик саховат замани” фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Тилаволдиев. – Хўжалигимизда 9,3 гектар ғўза қатор орасига соя экилган, Бир майдонга бир вақтнинг ўзида икки хил ўсимлик экиб, ҳар иккаласидан ҳам мўл ҳосил олиш, шубҳасиз, хўжали-



гимиз даромадини янада оширади. Андижонлик деҳқонлар кўп йиллардан буюн соя етиштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган тажрибали олимлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, ўз тажрибаларини бойтаётганлиги ҳам мазкур йўналишдаги ишлар самардорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Вилоятда мазкур йўналишдаги ишлар ғўза қатор ораларида соя етиштириш хажмини йилдан-йилга ошириб бориш, бу борадаги тажрибаларни оммалаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида олиб борилаётган.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

“Муносабат

Ернинг эгаси халқ, У ЯНА ХАЛҚҚА БЕРИЛАДИ

■ Баҳодир ТОҶИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аъза, суе хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.

Маълумки, халқимизнинг ерга бўлган муносабати қадрият даражасига кўтарилган. Азалдан халқимиз ерни азиз ва муқаддас санаб келади. Негаки, ер ризқ-рўзимиз, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамотимиз манабидир.

Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хажмини кўпайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ана шу ҳаётий ҳақиқат асосида, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида ер бериш масаласи илгари сурилди. Яъни, Сурхондарёда бошланган тажриба асосида ишсиз аҳолига қишлоқ хўжалиги ерларини 10 йил мuddатга деҳқончилик билан шуғулланиши учун ижарага бериш йўлга қўйилиши айтилдики, бу ерни ардоқлайдиган, уни муқаддас биладиган халқимизнинг дилидаги гап бўлди, десак сира муволаға эмас.

Бунинг учун нима қилинади? Дастлаб жорий йилдан бошлаб қарийб 100 минг гектар галладан бўшаган ер майдонлари ишсиз аҳолига деҳқон хўжалиги ташкил этишлари учун берилди. Пахта ҳосилидан сўнг ушбу мақсадлар учун яна 100 минг

гектар ер ажратилди. Кези келганда айтиш кераки, бу борадаги эзгу ишлар Ўртабошимизнинг ташаббуси билан ёшларга ер бериш тарзида бошланганига ҳали кўп бўлмади. Эндиликда бу катта тизимга айланади. Бунинг маъноси шуки, ернинг ҳақиқий эгаси халқ ва у яна халққа берилади. Ҳеч кимга сир эмас, ер участкаларини ажратишда ноқонуний ҳолатлар ҳозиргача кўп бўлган учрайдими, яъни бу коррупциялашган жараёнга айланиб қолганми. Эндиликда бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида жорий йил 8 июнда давлат раҳбарининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Бу ҳужжат ерни халққа қайтариш жараёнининг шаффофлигини таъминлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Мазкур фармонда кўпчилик учун аҳо-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРМОҚ ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини янада мустақамлаш ҳамда паррандачилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда “Паррандасаноат” уюшмасининг **2021 йил 1 июндан бошлаб** қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган паррандачилик хўжалиқларига – ўз хўжалиқларида етиштирилиб, реализация қилинган **тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм** ҳамда **парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 1 000 сўм** миқдоридида республика бюджетидан **субсидия ажратиш** таклифи маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: а) тижорат банклари томонидан 2025 йил 1 январга қадар қуйидагилар учун ажратилаётган кредит бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан: омихта ем ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларни **тўлдириш учун** тижорат банки томонидан ажратиладиган **10 миллиард сўмгача бўлган** кредит фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ **8 фоиз** пунктдан ортқ бўлмаган қисми;

паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банки томонидан ажратиладиган **10 миллиард сўмгача бўлган** кредит фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ **8 фоиз** пунктдан ортқ бўлмаган қисми **қоплаб берилди;**

б) қушхона ва музлаткичларни ўз ичига олган **паррандаларни сўйишга мўлжалланган замонавий комплексни** (кейинги ўринларда – замонавий комплекс) ишга туширган тадбиркорлик субъектига лойиҳа қиймати **40 миллиард сўмдан** ошмайдиган қисмининг **10 фоизи** миқдоридида Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан **субсидия берилди.**

Бунда, ушбу банднинг “б” кичик бандида белгиланган субсидия тўлови 1-иловага мувофиқ ҳудудларда ташкил этиладиган санитария ва экология талабларига, шу жумладан, **ISO 22000 НАССР стандартига жавоб берадиган дастлабки 14 та замонавий комплексга улар ишга туширилгандан сўнг берилди.**

3. Мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган компенсация тўловларини қоплаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан **15 миллион АҚШ доллари** эквивалентидаги маблағ Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берилсин.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан паррандачилик лойиҳаларини молиялаштириш учун **85 миллион АҚШ доллари** миқдоридидаги маблағ “Микрокредитбанк” АТБга йўналтирилсин. Бунда, **1-босқичда** – **50 миллион АҚШ доллари** миқдоридидаги маблағлар 2021 йил 1 июлга қадар, шундан **15 миллион АҚШ доллари** “Микрокредитбанк” АТБнинг устав капиталини ошириш учун;

2-босқичда – **35 миллион АҚШ доллари** миқдоридидаги маблағлар, **1-босқич** маблағларининг ишлатилиши самардорлигини баҳолаш натижалари бўйича Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашининг қарорига асосан йўналтирилади.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ►►

Спорт синовларини топширишда рекорд натижаларни қайд этган ғолиб ва совриндорлар рағбатлантирилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

худудий ишчи гуруҳлари ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, улар томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш ҳамда аниқланган камчиликларни бар-тароф этиб бориш;

спорт синовларини муваффақиятли топшир-ганларнинг юқори рейтинг натижаларини қайд этиш тизимини йўлга қўйиш;

ҳаваскор спортчиларнинг жисмоний ва пси-хологик тайёргарлигини яхшилашга йўналти-рилган илмий-инновацион тадқиқотлар олиб борилишини қўллаб-қувватлаш;

жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида ту-ман (шаҳар)ларда спорт синовлари ўтказили-шининг ташкил этилиши, шунингдек, бу борада яратилган шароитларни мунтазам равишда ўр-ганиб бориш;

спорт синовларини топширишда рекорд на-тижаларни қайд этган ғолиб ва совриндорларни рағбатлантириш;

б) худудий ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари этиб:

туман (шаҳар)ларда жисмоний фаолликни қўллаб-қувватлаш ва оммавий спортни кенг тарғиб қилиш учун етарли шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ жойларда спорт акциялари, ҳавас-корлик чемпионатлари, конкурсларни ташкил этиш орқали спорт синовлари тарғиботини ҳамда ўтказилишини ташкил этиш;

спорт синовларининг (ихтиёрий ва махсус талабларини бажарган) ғолибларини тақдирлаш ишларини тантанали равишда амалга ошириш;

спорт синовлари ўтказиладиган сана, ўтиш жойи, режаси ва шартлари тўғрисида камда бир ой олдин оммавий ахборот воситаларида эълон берилишини таъминлаш;

туман (шаҳар)ларда спорт синовларининг махсус талабларини бажариш учун алоҳида мар-казларни ташкил этиш ва зарур ҳолларда спорт синовларини ўтказиш учун хусусий шерикларни жалб этган ҳолда тегишли шарт-шароитларни яратиш;

зарур ҳолларда спорт синовларини такомил-лаштириш ва бу борадаги ишлар самарадорли-гини ошириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш ва Республика комиссиясига киритиш;

махсус спорт синовлари натижаларининг жойларда адолат ва шаффоқлигини таъмин-лаган ҳолда расмийлаштирилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, барча давлат органлари ва ташкилотлари:

спорт синовларининг ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб борилишида аҳолининг барча қатламлари хоҳишларига қараб фаол иштиро-кни таъминлаш чораларини кўрсин;

спорт синовларини ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириш ҳамда меҳнат жамоаларида фаолият юртайётган “Спорт тарғиботчиси” хо-димнинг қисқа муддатли малака ошириши **билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин.**

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федера-циясига (К.Рафиков):

меҳнат жамоаларида ходимларнинг жисмо-ний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиш чораларини кўриш;

спорт синовларини муваффақиятли топшир-ган давлат органлари ва ташкилотлари хо-дим-ларига **ҳар йили бир маротаба дам олиш масканлари ёки санаторийларга имтиёзли йўлланмалар** бериш тартибини жорий этиш тавсия этилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) **Ички ишлар вазирлиги** (П.Бобожонов) – спорт синовларини ўтказишда худудий ишчи гуруҳларига кўмаклашишга, жумладан, маҳал-ла профилактика инспекторлари томонидан ўз худудда истиқомат қилувчи (доимий ёки вақтинчалик) уюшмаган ёшлар ва аҳолининг рўйхати шакллантирилишига;

б) **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги** (А.Қўлдошев) – спорт синовлари ўтказиладиган жойлар (майдонлар ва спорт иншоотлари)да ҳамда уларнинг атрофида фавқулодда вазият-ларнинг олдини олишга ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча зарур чораларнинг белгиланган тартибда амалга оширилишига;

в) **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (А.Хад-жибаев):

барча давлат органлари ва ташкилотларда фаолият юритувчи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган шахсларни ҳамда жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари-ни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича масъулларни даврий равишда тиббий кўриқдан ўтказишга; иштирокчиларга юқори савияда тиббий хиз-мат кўрсатилишига, спорт тадбирлари ўтади-ган жойларда зарур тиббий анжомлар, дори воситалари ҳамда тез ёрдам автомашиналари навбатчилиги ташкил этилишига;

г) **Санитария-эпидемиологик осойишта-лик ва жамоат саломатлиги хизмати** (Б. Юсупалиев) – спорт синовлари ўтадиган жой-ларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена талабларига мос бўлишига;

д) **Миллий гвардия** (Р.Джуроев) – спорт синовлари ўтказиладиган, иштирокчилар жой-лашадиган, овқатланадиган, ташриф буюрадиган жойларда ва уларнинг атроф-худодалари-да жамоат тартибини сақлашга, йўл ҳаракати иштирокчилари учун ажратилган автотранспорт воситаларини йўл-патруль хизмати автомаши-налари ёрдамида кузатишга;

е) **Халқ таълими вазирлиги** (Ш.Шерматов) – тизимдаги таълим муассасаларининг ўқувчи ва барча ходимларидан спорт синовларининг қабул қилинишига;

ж) **Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лиги** (А.Тошқулов) – тизимдаги таълим муас-сасаларининг талаба ва барча ходимларидан спорт синовларининг қабул қилинишига;

з) **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувват-лаш вазирлиги** (Р.Маматов) ҳамда **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев) – маҳалла ва қишлоқлардаги банд бўлмаган аҳолининг барча қатлаמידан спорт синовларининг қабул қилинишига;

и) **Молия вазирлиги** (Т.Ишметов) – мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатларнинг ўз вақтида молиялаштирилишига; и) **Мудоффа вазирлиги** (Б.Курбанов); **Ички ишлар вазирлиги** (П.Бобожонов), **Фавқулодда вазиятлар вазирлиги** (А.Қўлдошев), **Миллий гвардия** (Р.Джуроев), **Давлат хавф-сизлик хизмати** (А.Азизов) – тизимдаги барча ходим ва хизматчилардан спорт синовларининг қабул қилинишига масъул ҳисобланади.

8. Туризм ва спорт вазирлигининг спорт си-новларини муваффақиятли топширган шахслар учун **“Жисмоний тайёргарлик даражаси”** кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги тақли-фи маъқуллансин.

Бунда, спорт синовларининг махсус талаб-ларини бажарган ғолиблар I, II, ва III даражали кўкрак нишонлари билан тақдирланади.

9. Баҳолаш тизими бўйича ёш кўрсаткичла-ридан келиб чиқиб спорт синовларининг **махсус талабларини** муваффақиятли бажарган шахс-лар бир йил мобайнида қўйидаги имтиёзлар ва рағбатлантиришлардан фойдаланади:

сафарбарлик чакируви резервидаги ҳарбий хизмат тўловининг **50 фоизини чегирма** билан тўлайди ва муддатли ҳарбий хизматга бирин-чилар қаторида устунлик билан буюрилади; махсус талабларни бажарган ғолибларга (I ўрин) “Темурбеклар мактаби”га тест синовлари-сиз танловдан ташқари ўқишга киришда;

бепул тарзда давлат туман (шаҳар) кўп тармоқли тиббиёт муассасасида бир марта-лик чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтади; махсус талабларни бажарган ғолибларга (I ўрин) умумий фойдаланишдаги давлат йўловчи ташиш ҳақар транспортда бепул ҳамда худуд-лараро ҳаракатланганда **50 фоиз** чегирмали тўлов билан имтиёзли юриш ҳуқуқи берилади (такси, шу жумладан, йўналишли такси мус-тасно);

фарзандлари яшаётган жойдаги умумтаълим мактаби, мактабгача таълим ташкилотлари, шу-нингдек, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига навбатсиз жойлаштирилади;

барча давлат органлари ва ташкилотлари-нинг ходимларига иш жойи ҳисобидан дам олиш масканлари ва санаторийларга бепул йўллан-малар тақдим этилади;

республика миқёсида ишга ёки ўқишга қабул қилинишида жисмоний тайёргарлик талаб эти-ладиган имтиҳон (олий таълим муассасалари

спорт йўналишларидан ташқари), синов, амалий машғулотларда устунлик (имтиҳонда максимал балл ёки амалий машғулотлардан озод қилини-ши) берилади.

Белгилансинки, мазкур қарор билан белги-ланган спорт синовларини ўтказиш ва ғолиб-ларни рағбатлантириш билан боғлиқ ҳар йилиги харажатлар Давлат бюджети параметрларида Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутил-адиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухаки-мов), Ахборот технологиялари ва коммуникация-ларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиқов) ҳамда манфаатдор спорт федерация (ассо-циация)ларининг спорт синовларини баҳолаш тизими меъёрлари, спорт разрядлари ва унво-нлари, ўтказиш графиклари ва иштирокчилар учун тавсиялар платформасини (www.jtdss.uz) ҳамда спорт синовлари иштирокчилари ҳақида-ги ягона электрон базани яратиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Бунда, Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абду-хакимов):

а) **2021 йил 1 августга қадар** спорт синов-ларининг платформаси (www.jtdss.uz) ва ягона электрон базаси фаолиятини тўлиқ йўлга қўйсин;

б) **ҳар йили март ойи** якунига қадар худ-дудлар кесимида спорт синовларини ўтказиш вақти, жойи ва спорт иншоотларининг манзил-ларидан келиб чиқиб спорт синовларининг маъ-мулотларни платформада жойлаштириб борсин ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этсин;

в) **ҳар йил** якуни билан спорт синовларини муваффақиятли топширган фуқароларнинг энг юқори натижалари ва рекорд ўрнатганлар тўғри-сидаги тахлилӣ маълумотларни платформада ва ягона электрон базада юритиш амалиётини жорий этсин.

Платформа ва ягона электрон базани ишлаб чиқиш, уларга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функ-циялари Туризм ва спорт вазирлигига юклат-илсин.

Туризм ва спорт вазирлиги спорт синовлари-нинг платформаси доимий равишда ҳаққоний ва фаол ишлаб туришига, шунингдек, унинг доимий техник қўллаб-қувватлишига, маълумотларни таҳлил қилиш, тузилган рейтинглар шаффоқ-лиги ва ошқоралигини таъминлашга масъул ҳисобланади.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари ва-зирлиги (Н.Хусанов) Туризм ва спорт вазирли-ги (А.Абдухакимов) билан биргаликда “Ягона меҳнат миллий тизими” идоралараро дасту-рий-аппарати комплексида электрон маълум-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 16 июнь

Ш.МИРЗИЁЕВ

(Боши 1-саҳифада)

Мазкур маблағларнинг **70 миллион АҚШ доллари** эквивалентидаги қисми тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасида кредитлар бе-риш учун “Микрокредитбанк” АТБга 7 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банк асосий ставкаси-дан 4 фоиз пунктдан past фоиз став-када ажратилади.

5. Белгилансинки:

а) “Микрокредитбанк” АТБга йўнал-тириладиган мақсадли маблағлар қўйидагиларни молиялаштириш учун ажратилади:

буғдой, маккажўхори, соя дони ва шрот, кунгабоқар шрот каби озуқа-ем маҳсулотларини энг арзон бўлган йўним-терим даврларида захира қилиш; паррандачилик хўжаликлари ва озуқа-ем маҳсулотларини ишлаб чиқа-рувчи корхоналарда мавжуд қувватлар-ни тўлиқ ишга тушириш учун **24 ойга-ча бўлган муддатга** айланма маблағ ажратиш ва модернизация қилиш;

б) “Микрокредитбанк” АТБга йўнал-тириладиган мақсадли маблағлар ҳисо-бга бошқа тижорат банклари орқали тадбиркорлик субъектларига ажрати-ладиган кредитлар ҳам молиялашти-рилиши мумкин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

2021 йил 1 июлдан бошлаб 2024 йил 1 июлга қадар асосий фаолият тури паррандачилик бўлган тадбиркор-лик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича **фойда солиғи** (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фойзалардан ташқари), **мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдалан-ганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилади;**

2022 йил 1 июлга қадар тухум, парранда гўшти ва маҳсулотларини

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРМОҚ ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

экспорт қилувчи ҳамда соя донини им-порт қилувчи тадбиркорлик субъект-лари (уларнинг ваколатли вакиллари) га **автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга** субсидиялар тақдим этилади;

“Паррандасаноат” уюшмасига аъзо корхоналар томонидан хоржий мам-лакатлардан паррандачилик соҳаси **эксперт ва мутахассисларини жалб қилиш харажатлари** ҳамда **уларнинг 6 ойлик иш ҳақи миқдорининг 50 фоизи**, бироқ ойига 1 минг АҚШ дол-лари эквивалентидан ошмаган қисми қоплаб берилади. Бунда, мазкур хара-жатлар учун **Вазирлар Маҳкамаси-нинг захира жамғармаси ҳисобидан 5 миллиард сўм йўналтирилади.**

7. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раи-сининг паррандачилик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилсин.

Белгилансинки, “Паррандасаноат” уюшмаси раиси бир вақтнинг ўзида Ветеринария ва чорвачиликни ривож-лантириш давлат қўмитаси раисининг паррандачилик масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳо-кимликлари Ветеринария ва чорвачи-

ликни ривожлантириш давлат қўмита-си ҳамда “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда **2021 йил якунига қадар 2-иловага** мувофиқ парранда маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш чораларини кўрсин.

9. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофа-за қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазият-лар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва бошқа тегишли идоралар билан бир-галикда **2021 йил 1 декабрга қадар** ветеринария-санитария талабларининг халқаро тажрибасига асосан парран-дачилик корхоналарини технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқсин ва **2022 йил 1 январдан бош-лаб** ташкил этилаётган паррандачилик лойиҳаларининг ушбу меъёрларга риоя қилган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ветеринария ва чорвачилик-ни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда “Паррандасаноат” уюшмаси бир ой муддатда паррандачилик тармоғига хоржий инвестицияларни жалб қилиш бўйича лойиҳа тақлифларини ишлаб чиқсин ва 2022 йил 1 январга қадар ривожланган хоржий давлатларда-

ги тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда республикада наслчилик ва омихта ем йўналишида лойиҳалар амалга оширилишини таъминласин.

11. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лигининг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 20-мавзе, 35а-уйда жойлашган Тошкент тўқимачилик ва энгил sanoat институти ҳузуридаги собиқ Тошкент транспорт касб-хунар коллежининг бино ва иншоотларини тегишли худуди (асосий воситалари) билан биргаликда **Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалига** оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бе-риш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

12. Томорқа хўжаликларига парран-даларнинг аънъанавий ва касалликларга чидамли зот ва турлари парвариши-ни тизимли йўлга қўйиш мақсадида Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтига қўйидаги вази-фалар юклатилсин:

юқори махсулдор хонаки парран-даларнинг репродуктив подаларини шакллантириш;

насли тухум инкубациясини йўлга қўйиш ҳамда парранда зотларини си-новдан ўтказиш ва такомиллаштириш;

шахсий томорқа хўжаликларига мос,

ихчам парваришлаш технологиялари ва органик озуқалар турларини яратиш; аҳолида парранда боқиш ва органик маҳсулот етиштириш кўникмаларини шакллантириш.

13. Ветеринария ва чорвачилик-ни ривожлантириш давлат қўмитаси Инновацион ривожланиш вазирли-ги, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Чорвачилик ва парран-дачилик илмий-тадқиқот институтида базавий молиялаштириш шартлари асосида фаолият юритувчи **4 та штат бирлигини** иборат **“Паррандачилик селекциyasi ва технологияси”** бўли-мини ташкил этсин.

14. “Паррандасаноат” уюшмаси Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўча-си, 21-“А” уй манзилига текин фойдала-ниш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

15. “Ўздонмаҳсулот” АК бошқарув органининг Ветеринария ва чорвачи-ликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Халқаро молия институти-лари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларини “Ўздонмаҳсулот”

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 14 июнь

АКга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уйда жойлашган бинада бепул фой-даланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

16. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда етиштирилган ва реализа-ция қилинган парранда гўшти ва тухум учун субсидиялар ажратиш тартибини тасдиқласин.

17. Паррандачиликни ривожланти-риш ва паррандачилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича “Йул харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг айрим қарорларига 4-илова-га мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Мазкур қарор ижросини сама-рали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ветеринария ва чорва-чиликни ривожлантириш давлат қў-митаси раиси Б.Т.Норқобилов, молия вазири Т.А.Ишметов ҳамда Қорақал-поғистон Республикаси Вазирлар Кен-гаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идора-лар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республи-каси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Кўчқоров зимма-сига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти-га ҳар чорак якуни бўйича ахборот кирити-тиб борилсин.

Қўни-қўшничилик аънаналари узоқ йиллар мобайнида инсонларнинг турмуш-тарзида муҳим ўрин тутиб келган

Худудларда мавжуд sanoat salohiyatidan qay darajada foydalанилмоқда?



Қурилиш материаллари sanoatини ривожлантириш бўйича кенгашнинг ИЛК ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

15 июнь куни Ўзсаноатқурилишбанк бошқаруви раиси, Қурилиш материаллари sanoatини ривожлантириш бўйича кенгаш раиси раҳбарлигида Кенгашнинг биринчи йиғилиши ўтказилди. Видеоконференц алоқа шаклида ўтказилган йиғилишда Ўзсаноатқурилишбанк, “Ўзсаноатқурилиш материаллари” уюшмаси, Давлат геология қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги масъуллари иштирок этди.



Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида жорий йил 30 апрель куни худудларда қурилиш материаллари ва маҳаллий sanoatни янада ривожлантириш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор ҳамда давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 июндаги “Худудларнинг sanoat salohiyatини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, худудларда мавжуд sanoat salohiyatидан, айниқса, қурилиш индустриясини ривожлантиришда норуца минералларнинг хомашё базасини ўзлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмапти. Хусусан, керамзит, силикат куми, шийа хомашёси, қурилиш ва қоплама тошларга эга ўрганилган конларнинг ярмидан кўпи ўзлаштирилмай қолмоқда. Натигада, санитария-техник воситалар бўйича маҳаллий ишлаб чиқариш ички бозорнинг фақатгина 40 фоизини, газбетон блоклар 51 фоизини, лок-бўёқ маҳсулотлари 65 фоизини, қурилиш ойнала-

ри 70 фоизини, девор гулқоғозлари 30 фоизини ташкил этмоқда.

Йиғилишда Қурилиш материаллари sanoatини ривожлантириш бўйича кенгашнинг ташкил этилиши соҳага алоқадор барча масъул муассасалар ва тадбиркорлар билан биргаликда қурилиш индустриясини тизимли ривожлантиришни таъминлаш орқали мамлакатимиздаги табиий хомашё базасидан қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган занжирни яратиш экани алоҳида қайд этилди.

Бугунги кунда Ўзсаноатқурилишбанк томонидан “Ўзсаноатқурилиш материаллари” уюшмаси, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда соҳани жадвал ривожлантириш борасида ишлар бошлаб юборилган. Хусусан, банкда соҳани ривожлантириш мақсадида маҳсул департамент ва унинг барча худудий минтақавий филиалларида соҳага оид бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан узвий боғлиқликни ташкил қилиш учун марказлар ташкил этилди.

Марказларга иқтисодчи, норуца

фойдали қазилма конлари геологи, қурилиш материаллари sanoatни муҳандис-технолог, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш менежерлари каби мутахассислар ишга жалб қилинди.

Марказларда худудлардаги фойдали қазилма конлари, бозор конъюктураси, зарур асбоб ускуналар, ташкил этиладиган ўқув курслари бўйича маълумотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига лойиҳалар, бизнес режалар, лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда кўмак бериб келинмоқда.

Бундан ташқари, халқаро “BCG” компанияси экспертларини жалб этган ҳолда “Ўзсаноатқурилиш материаллари” уюшмаси билан биргаликда соҳада фаолият олиб бораётган йирик корхоналарнинг мавжуд муаммолари ва уларни ечиш бўйича дастлабки ишлар бошланди.

Жумладан, халқаро экспертлар кўмагида 2022-2026 йилларда маҳаллий sanoat тармоқларини жадвал ривожлантириш ва худудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича тегишли вазирлик

ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Тадбиркорлар билан мулоқот қилиш, уларнинг таклифларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда банк бошқаруви аъзолари ва “Ўзсаноатқурилиш материаллари” уюшмаси масъулларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, бугунги кунга қадар шакллантирилган умумий қиймати 5,25 млрд. долларлик 1 019 та лойиҳани ҳамда янги истиқболли лойиҳаларни аниқлаш бўйича худудларда ўрганишлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, 24 та ихтисослаштирилган туман ва шаҳарлар худудларида қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш, жумладан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида маҳсул индустриал зоналарни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“Ўзсаноатқурилиш материаллари” уюшмаси билан биргаликда ихтисослаштирилган туман ва шаҳарларда қиймати 1,7 млрд. долларлик 212 та лойиҳа шакллантирилди. Лойиҳалар амалга оширилмиши натижасида 11 763 та ишчи ўринлари яратилади.

Соҳадаги 500 млн. долларлик лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш мақсадида банк томонидан 300 млн. доллар миқдордаги маблағларни жалб қилиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан масъулларнинг ахбороти тингланди. Келгусида амалга оширилаётган вазифалар белгилаб олинди.

Маълумот учун. “Ўзсаноатқурилиш материаллари” уюшмаси ҳузуридаги Қурилиш материаллари sanoatини ривожлантириш бўйича кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 июндаги “Худудларнинг sanoat salohiyatини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ ташкил этилган бўлиб, унга Ўзсаноатқурилишбанк бошқаруви раиси раҳбарлик қилади.

Банк Ахборот хизмати

Навоий вилоятида 38 минг гектардан ортиқ майдонга ғалла экилган бўлиб, айни кунларда тўлиқ пишиб етилган донни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ишлари бошлаб юборилди. Айни қизғин жараёнда инспекциянинг вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари ходимлари доннинг сифатли ўриб олиниши, комбайнлар фаоллиги, техник созлиги ва ўрилган донни шаҳобчаларга ўрнатилган тартибда қабул қилиб олиниши каби қатор вазифалар юзасидан назорат тадбирларини олиб бормоқда.

Навбахор туманида 8 682 гектар майдонга дон экилган бўлиб, жорий йилги шартномавий режа қарийб 20 минг тоннани ташкил этади. Ғалла ўрими мавсумига 21 та комбайн инспекциянинг туман бўлими инспекторлари сертификати асосида қабул қилиб олинган. Қизғин давом этаётган ўрими-йиғим ишларининг дастлабки кунлариданоқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ҳамда сифатли олиб борган фермер хўжаликлари зафар маррасини забт этишмоқда.

Жумладан, туманнинг С.Жураев худудида жойлашган “Диёрбек Ҳамид келажак” фермер хўжалигида доннинг “Давр” ва “Старшина” навидан экилган. Фермер Умид Аҳмедовнинг мамнулик билан айтишича, давлатга ғалла сотиш режаси бажарилди. Қилинган меҳнат бесамар кетмади. Режадаги 90,4 тонна ўрнига 95 тонна ғалла топирилди. Ҳар гектар ердан 55 центнердан ҳосил олинди. Ҳали далаларда ўрилмаган ғаллазорлар бор.

Қизилтепа туманида ғалла ўрими одатдагидек бу йил ҳам Ўртаҷул зонасида бошланди. Ғалла ўрими-йиғимига 30 та комбайн сафарбар этилди. Комбайнларнинг созлигидан тортиб дон қабул қилиш шаҳобчаларининг мавсумга тўлиқ тайёргарлигигача бўл-

ган барча жараён инспекциянинг туман бўлими ходимлари назорати остида амалга оширилди. Ғалла ўримининг дастлабки кунларидан чўл зонаси худудида жойлашган “Мустақиллик-10”, “Қурбон Латиф”, “Маликаҳон қизи”, “Навниҳол Ўртаҷул”, “Йўлдош ота-2000”, “Валиобод”, “Аҳад бобо” ва бошқа фермер хўжаликларидан дон топириш шартномавий режаси ортиғи билан бажарилди.

– Ўттиз гектар майдонга доннинг “Давр” навидан эканлик, – дейди шартнома режасини бажарган “Ўртаҷул юлдузи” худудида жойлашган “Ота касб Қизилтепа” фермер хўжалиги раҳбари Ризо Жапполов. – Икки кунда ғаллани ўриб, кластерга 17,8, давлатга 66,4 тонна товар дон режага кўра топирилди. Инспекциянинг туман бўлими ходимлари доимий тарзда келиб, дон экилишидан то ғалла ўрилгунигача бўлган даврда тавсия ва кўрсатмаларини бериб келишди. Режани бажариб, юзимиз ёруғ бўлганидан хурсандмиз. Вилоятда ғарқ пишиб етилган ғаллани кечга қолдирмай йиғиб олиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Зулфия БОБОЕВА,
“Ўзагроинспекция”нинг
Навоий вилояти
бошқармаси ахборот
хизмати раҳбари.

Вазирнинг хорижлик маслаҳатчиси Самарқандда

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси Джон Александр Райт Самарқанд вилояти сув хўжалиги тизимида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Дастлаб маслаҳатчи Ургут туманида жойлашган, вилоятнинг деярли барча туманларига, шунингдек, қўшни Жиззах ҳамда Қашқадарё вилоятларига сув етказиб бериш, энг йирик сув тақсимлаш иншоотларидан бири бўлган, 1350 м³ сувни тақсимлаш қувватига эга, 1929 йилда қурилган “Равот-хўжа” гидроузели фаолияти билан яқиндан танишди.

Бу ерда ташкил қилинган музей, диспетчерлик хонасидаги шароитлар ва гидроиншоот ҳовлисида қад ростлаган Фарҳод сиймосини акс эттирувчи ҳайкал меҳмонда катта таассурот қолдирди. Жомбой туманидаги “Мароқанд Мева-Сабзавот” МЧЖ корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Жамаиятининг жами ер майдони 2200 гектарни ташкил этиб, шундан 1600 гектарига мевали дарахтлар, 600 гектарига турли қишлоқ хўжалик экинлари экилган. Барча майдонларни томчилатиш усулида сугориш йўлга қўйилган. Ташриф давомида Джон Александр Райт



туманнинг Фарҳод қўргонидан жойлашган, Қорадарё, Оқдарё ҳамда Марказий магистрал каналига сувни тақсимловчи иншоотни ҳам кўздан кечирди.

Шунингдек, Нарпай туманидаги “Нарпай” насос стациясини туриб кўрди. Насос станциясидаги агрегатларнинг ҳолати ва ходимларнинг шароитлари билан қизиқди.

Зарафшон ИТХБ матбуот хизмати

МИЛЛАТНИНГ МИНГЙИЛЛИК ҚАДРИЯТЛАРИ

“Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал”, “Ҳовли олма, қўшни ол”, деган ҳикоятлар замирида доно халқимизнинг мингйиллик донишмандлиги, ўзига хос хулосаси мужассам. Қўни-қўшничилик аънаналари узоқ йиллар мобайнида инсонларнинг турмуш-тарзида муҳим ўрин тутиб келган. Аввало, ёндаги кишига, рўзгорга ёрдам қўлини чўзиш халқимизга хос азалий қадрият. Бундан ташқари, унда ҳамжиҳатлик, иноқлик, аҳиллик сингари фазилатлар ҳам бор.

Муборак ҳадиси шарифда: “Шўрва қилсангиз, сувидан кўпроқ солиб қўшингизга ҳам улашин”, дейилгани замирида ҳам пурҳикмат маъно бор назаримда. Дарҳақиқат, аждоқларимиз пиширган тансиқ таомидан албатта, қўшнларига ҳам илинганлар. Уйдан таом иси чиқиди, ҳамсониянинг насибасини ҳам ажратиб қўйиш одати эзгу аънаналар сирасига киради.

– Агар қўшни сафарга кетса, оиласи, уй-жойи, мулки, хонадонидан кунда хабар олиб туриш зарур, – дейди етмиш ёшли Маҳмуд бобо Абсанов. – Унинг руҳсатисиз униқидан баланд иморат қурилмайди ёки бошқа йўсинда унга зарар

етказилмайди. Бироқ тансиқ таом, даррахт, экин-тинқидан унга ушур берилди. Умуман олганда, бу билан қўшничилик аънаналари тўхтаб қолмайди. Ҳам моддий, ҳам маънавий ён-атрофдагиларни қўллаб-қувватлаш ҳамсоияликнинг муҳим бир белгисидир.

...Бир сафар аммамларниқига борганда ғалати воқеа содир бўлди: аммам меҳмонларга ош таратқудига тушиб бошлаган ҳам эдики, кўчада бировнинг қақиргани эшитилди: у аста-секин ташқариллади.

– Келинг, Пошшахон. Ташқаридаги хангомадан поччамнинг қўшнисиникига совчи келганини англаш

мумкин эди. Айни илик узилди маҳали бўлгани учун қўшни аёлнинг уйида ҳеч нарса йўқмиди, бир ошлик эт сўрарди. Нима бўлганини билмайман, амма бирдан хонага кириб келди-да, арчиётган сабзиларни йиғиштира бошлади. Орадан бир ярим соат вақт ўтгач, бир лаган ош кўтариб дахлизга кириб келди.

– Кўшнимиз бир ширин ош тайёрлабдики, мазаси оғзингда қолади, – деди лаганини дастурхонга қўйarkan. – Қўли дард кўрмасин. Умримда бунақа тотли овқат емаганман. Бир есанг, оғзингда эрийди-я!

Ҳамсония рози қилишда ҳикмат кўп, дерди кексалар. Халқимизда қўшни андишаси борасида ҳам ибратга арзигулик жиҳатлар талайгина: қўшнининг боласи ҳар турли егуликларни кўриб хархаша қилмаслиги учун болаларнинг қўлига бирор нарса бериб, кўчага чиқарилмайди. Қўшнининг ҳовлисига бемаврид қаралмайди, изнисиз қирилмайди.

Расул алайҳиссалом буюрдилар: – Биласизми, қўшнининг ҳаққи нима? Ёрдам сўраса ёрдам берасиз. Қарз сўра-

са, қарз берасиз. Камбағаллашса, рўзгорига мадад бериб турсиз. Хасталанса, зиёратига борасиз. Вафот этса жанозасига қўшиласиз.

Можаролар, муносабатлардаги чигалликлар одатда, кўпроқ, қўни-қўшнларнинг ёш болалари ўрталарида содир бўладиган гаплар туфайли келиб қақди. Шундай пайтда, болаларнинг ўртасига тушиб ота-оналар айбни бир-бирларига ағдаравермасдан, ҳар бирлари ўз фарзандларига танбеҳ бериб, одобга чақириб борсалар, айни савоб иш қилган бўладилар.

Замонлар оша сайқалланиб келаятган гўзал қадрият ва урф-одатларимизни ҳар қанча таърифласак арзийди. Лекин, афсуски, бугун бу аънаналарга биров бепарво қараётганлар, уларни назарга илмайдиغان қўшнлар ҳам учраб турибди.

Бугун глобаллашув сабаб қўшничилик аънанасига путур етаётгандек. Аммо уни асраб-авайлаш энг долзарб масалалардан. Шу орқали миллатнинг мингйиллик қадриятлари сақланиб қолиниди, ўзаро муносабатларда меҳр-оқибат туйғулари янада шаклланиб боради.

Озода БОЙТЕМИРОВА

Газдан фойдаланишда озгина эътиборсизлик ҳам катта офат келтириши мумкин. Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўрисиини йилига камида бир марта тозалаш лозим.

Ёнғиннинг олдини олишда замонавий техника воситасининг ўрни

Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, ёш болаларнинг гуғурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи сабаблардан саналади. Учқун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Лақ, бўёқлар, мебеллар, синтетик кийимлар шулар сирасига қиради. Ҳозир кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишидан ташқари кўплаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради.

Ҳозирда ёнғинга қарши кураш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситалари самарали қўлланилмоқда. Ана шу воситалар орасида ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан хабар беришчи

воситалар, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, кўплаб давлатларда хабарлаш воситалари, назорат мосламалари, қабул-назорат асбобларининг замонавий турлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар йили йигирма мингдан ортиқ ёнғин содир бўладиган, бунинг натижасида миллиардлаб моддий зарар қўриладиган Германия мутахассислари ёнғинга қарши кураш борасида тинимсиз изланмоқдалар. Ҳозирги кунда улар бу борада илғор тажрибаларга эга. Бу давлат хабарловчи воситалари билан нафақат ўз эҳтиёжини, балки жаҳоннинг кўпгина давлатларини таъминламоқда.

Комил ҚОДИРОВ,
Миробод тумани ФВБ
Норматив-техник бўлими бошлиги,
катта лейтенант.


Эълонлар

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш бошқармаси томонидан 1993 йил 29 июнда Колпина Евгения Василевна номига берилган № 00-22/2196 рақамли уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 25 декабрда реестрда 658853-сон билан рўйхатдан ўтган “ABC TRADING” МЧЖ Устав фонди 1 646 860 000 сўмдан 746 860 000 сўмга камайтирди. Тел.: +998 90 920-02-83.
Яккасарой туманидаги 118-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2010 йилда Бурхонова Юлдуз Норқозок қизи номига берилган U № 7634644 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Мирзо Улугбек туманидаги 256-сонли умумтаълим мактаби томонидан 1999 йилда Норматова (Тусакбаева) Заҳро Алдияровна номига берилган O’R-A 572176 (рўйхат рақами 86) рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Сергелии политехника касб-ҳунар коллежи томонидан 2005 йил Махмудова Зилола Аскархужаевна номига берилган K №544649 (рўйхат рақами 233) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Машъум зилзилалардан одамларни огоҳ этган

Ур, уравер, фурсат ғанимат...

Отларнинг ер силкиниши каби табиий офатларни олдиндан билишидан ташқари, айрим кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам анча сезир-хушёр эканликлари боис, уларнинг қаҳрамонликлари, инсонларга кўплаб халоскорлик хизматлари кўрсатишгани ва бошқа фазилятлари хусусида олдинги мақолаларимизда ҳикоя қилган эдик. Ҳолбуки, бошқа айрим қушлар, ҳайвонлар ва судралиб юривчиларда ҳам хавфни олдиндан сезиш ҳолатлари илгари кўп кузатилгани, шулардан айримлари қаҳрамонликлари билан тарих зарварқларига муҳрланиб қолган.



Ашхабодда рўй берган мудҳиш ер ости силкинишидан 6 соат олдин ҳўит комбинатида сақланаётган эчки типирчилаб ҳеч кимга бўйсунмай кўйган экан. Ҷумолилар ҳам ҳам зилзиладан бир-бир ярим соат олдин тухумларини олиб, ер ости "қароргоҳ"ларини тарқ этгани манбаларда қайд этилган. Маишхўр орнитолог-шифокор Б. А. Симонов маълумотига қараганда, унинг "гапирувчи" тўтилари ер ости тебранишларига бир неча соат қолганда ўзларини галати тутган. Қандайдир хавфни сезган тўтиқуш безовталаниб, қаттиқ ва тўхтовсиз қичқириб турган.

Айтишларича, ит, мушук, каламуш, сув каламуши ва қалтакесаклар жуда юқори эшитиш қобилиятига эга (ҳар сонияда 100 минг тебранишга) экан. Шу боисдан, улар кутилаётган "ер ости момақалдироси"ни олдиндан "эшикта олиши" билан ўзларининг муҳофазасини вақтида таъмин эта оларкан.

1943 йил Лондон лорд – мэри дафна гулчамбари билан "Жасорат учун" ("For Gallantry") ва "Биз ҳам хизмат қилганмиз" ("We Also Serve") деган битиклар остида Мария Дикин номидаги бронза медалларини 62 та ҳайвонга топширади. Биргина Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган 18 та ит, 3 та от, 32 та кабутар ва 1 та мушук шундай шарафга лойиқ, деб топилган.

Айниқса, ҳайвонлар ичида ҳам вафодорлик, ҳам халоскорлик ва жасурлик бобида итларга тенг келаётгани кам топилса керак. Қарийб тўрт йил давом этган ўша машъум қирғинбарот уруш мобайнида Роб лақабли ит парашют орқали 20 марта жанг майдонига ташланган

ҲАМ ХАЛОСКОР, ҲАМ ВАФОДОР

ва ҳар гал фронт чизигида энг хавфли ва муҳим операцияларни муваффақиятли удалаган. Умуман олганда, сўнги жаҳон урушида 60 минг тўрт оёқлилар иштирок этган. Уч юздан ортиқ "қизил" итлар нацистларнинг танк ва бронетехникаларини йўқ қилиб, ҳалок бўлди. Кучуқлардан иборат "Смерти" отряди душманга қарши разведка ишларида жонбозлик кўрсатди.

Бугунги кунда Лондон шаҳри нафақат бетакрор кўприги, балки урушида қаҳрамонлик кўрсатган ҳайвонлар шарафига ўрнатилган ёдгорликлари билан ҳам маишхўр. Ҳатто қиролича Анна бу ёдгорликларни очиб, "ҳайвонларнинг Ватан учун кўрсатган жасорати инсонларникидан асло кам эмас", – дея эътироф этган.

Хабарингиз бор, 1951 йилдан космосга итларни тажриба сифатида учуриш ишлари бошланган эди. Барча парвозлар кўнгилсизлик билан якун топганди. Ниҳоят, 1957 йилнинг 3 ноябрь куни Москва вақти билан тонги соат олти яримда "Спутник – 2" фазовий кемасида Белка ва Стрелка лақабли икки итдан иборат "Лайка" гуруҳи парвоз қилди. Ўша вақтда икки ёшли бу кучуқларнинг умумий вазни 6 килограмми ташкил этарди. Уларни ерга қайтиб келишига деярли

ҳеч ким ишонмасди. Чунки илгари учурилган тўрт оёқлиларнинг барчаси парвоздан 5-6 соат, ёхуд ҳафта ўтиб ҳалок бўлишган эди. Белка ва Стрелка эса 1960 йилнинг 19 августидан ерга қайтиб келди. Айтиш жоизки, парвоздан ҳеч қанча вақт ўтмай, Стрелка 6 та соғлом кучуқчаларни дунёга келтирди. Ҳатто улардан бирини Никита Хрущёв АҚШ президенти Жон Кеннедининг қизи Каролина Кеннедига совға қилган.

Ҳозирги вақтда бу ҳайвонларнинг тулуғи Москвадаги ёдгорликлар музейида сақланмоқда.

Биз фақатгина юқоридаги маълумотлар билангина чекланиб қолмай, балки вафодор ҳайвонлар – итларнинг хавфни олдиндан сезиш, инсонларга қилган халоскорлик хизматлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Машъум зилзилани бошидан ўтказган кўпгина тошкентлик ва ашхободликлар ўз итлари туфайли омон қолганликларини таъкидлаб ўтганлар. Ашхободлик бир аёлнинг ити ҳалокат рўй беришидан бир соат олдин безовталана бошлаган. Ит эгасини уйдатиб, увилай бошлаган. Сўнгра уни кийимидан тишлаб, каравотидан йиқитган ва натижада хондон соҳибини дарвозадан ташқарига олиб чиққан. Шу заҳоти ер силкиниши рўй бериб, уй қулаб тушади. Яна бир

ашхободлик ҳам ити уйдотгани сабабли тирик қолгани ҳақида сўзлаб берган. Унинг айтишига қараганда, тебранишлардан бир неча дақиқа олдин ит ўз эгаси ухлаб ётган хонага кириб, унинг устидаги кўрпасини тишлаб, тортиб туширади, лекин уй эгаси уйғонмайди. Шунда безовта бўлган жонивор каравот устига чиқиб олиб, қаттиқ увиллаганча оёғини тишлай бошлайди. Ит ташқарига қараб юзурат, эгаси уни таъзирини бериш учун ортидан чопади. Улар эндигина ҳовлига чиққан пайтда уйнинг томи босиб қолади. Худди шунга ўхшаи воқеа бошқа ит эгаси билан ҳам бўлиб ўтган. Тўсатдан хонага юзуриб кирган ит аравадаги қизалоқнинг куйлагидан тишлаб ўзини ташқарига уради. Итимиз қутурибди, деган ҳаёда уй эгаси аёли билан унинг ортидан чопишади. Улар уйдан чиқиб улгуришлари билан ер силкиниб, уй қулаб тушади.

Фақат бугина эмас, итлар эгасининг яхши кайфиятини ҳам, тушкун ҳолатини ҳам тез пайқайди. Шунингдек, бу жониворлар бошқа хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам анча сезир-хушёр бўладилар. Итларнинг ўз соҳибларига нисбатан ўта садоқатли-вафодор бўлгани, эгасини душман хавфидан дарҳол огоҳ этган ёки ёвга қарши ҳамлага киришигани хусусида айрим кишилардан эшитганим бор.

Итлар соҳибини айрим бало-қазолардан ҳимоя қилишини юқорида айтиб ўтдик. Бироқ улар ҳам ўз навбатида эгасидан-да паноҳ кутаркан. Бу жониворлар ҳақида ёзаётимиз, ўтган асрнинг 70-йилларида бўлган бир воқеа ёдимга тушиб кетди.

Паррандачилик фермасида ишлаб юрган кезларимизда ҳар йили 5-6 та туғадиган итимиз бу гал 1 та туғди. Овчларнинг айтишига қараганда, бундай кучуқчалар бўрибосар бўлиб, онаси алоҳида меҳр билан парвариш қилар экан. Ўша вақтлар қиш қаттиқ келиб, қишлоқлар ва шу атрофдаги фермаларга бўрилар ораб қолганини эшитгандик. Буни сезган Кўкча лақабли итимиз янги туғилган боласини тишлаган кўйи айвонимизга кириб келди. Ярим соат ўтар-ўтмас, бўрилар галаси фермамиз атрофида пайдо бўлди. Маълум бўлишича, қашқирлар бўрибосарни учратгани заҳоти ёшлигидан бўғизлаб кетар экан.

Азамат СУЮН

Ҳадебкор боздон

Богбон боғига учта ўғри кирганини кўриб қолди. Буларнинг бири халққа фатво берадиган фақиҳ (олим), иккинчиси пайғамбар авлодидан эканини айтувчи бир зот, учинчиси эса шайхга кўп йиллар мурид бўлган сўфи эди. Богбон ўзича ўйлади. Ҳозир буларни тутиб, эплаб бўлмайди, куч бирликта. Яхшиши, бу учликни тарқатиб, уларни алоҳида-алоҳида жазолаш лозим. Шу ниятда уларга жимгина яқинлашди. Боғига хуш келганларини айтди, сўнгра сўфига:

– Менинг уйим шу яқин атрофда, малол келмаса, бориб бир шолча олиб кел, дароҳнинг тағига тушаб ўтирайлик, деб илтимос қилди.
Сўфи кетгач, фақиҳ билан шарифга қараб:
– Сизлар улғу инсонларсиз. Бирингиз фатво билан йўл кўрсатасиз, яна бирингиз билан фахрланамиз. Бу мечкай, хасис сўфи ким бўлибдики, сиздек улғу зотлар билан ҳамтовоқ бўлса? Уни келиши билан даф қилинг, қаерга кетса кетсин. Сизлар эса боғимда энг азиз меҳмонларим бўлиб еб ичасизлар, деди.

Бу таклиф уларга маъқул келди. Сўфини "кет бу ердан, сен билан дўст бўлишни истамимиз", деб ҳайдашди. Сўфи узоқлашган, богбон уни тутиб олди ва хой, сен кўппак боғимга киришга қандай журъат этдинг, сенга бу йўлни қайси шайх кўрсатди, дея уни роса дўпослади.

Богбон боққа қайтди. Энди шарифга қараб: азиз дўстим. Ҳойнаҳой очқагандирсан, сенга кичкина бир хизмат. Менинг уйимга бор. Хизматкоримга айт, юпқа нон билан қаз бериш. Олиб келсанг, учаламиз қоринни тўйдиримиз, деди. Оғзидан сўлаги оққан шариф богбоннинг уйига равона бўлди. Бу орада богбон фақиҳга:
– Мана бу шариф деганинг бемаъни одам. Узини пайғамбар авлодидан, деб даъво қилади. Онаси қандай аёл бўлган, ким билади? Сен ақлли, билимли, кўпни кўрган одам бўлсанг, қандай қилиб, унга ишониб, ёнингда олиб юрибсан, дейиши билан фақиҳнинг ичига гўё бир курт ўралади. Шариф келар-келмас суқа бошлади:

– Ҳой ёлгончи, бу боққа сени ким қақирди? Уғрилиқ сенга қимдан мерос қолган? Арслон боласи, арслонга ўхшар. Қани менга айтчи, сен пайғамбарга қайси томондан ўхшайсан, деди ва яна бир қанча аччиқ гаплар айтди. Уни олдига солиб ҳайдади.

Богбоннинг истагани бўлди, фақиҳ ёлғиз қолди. Таёқни қўлига олди ва:

– Эй ношуд фақиҳ, сенинг фатвонг боққа рухсатсиз киришми? Буни қайси ҳуқуқ китобида, қайси қонунда ўқидинг, деб фақиҳни ура бошлади.

Богбон гапириб урар, уриб гапирар эди. Бечора фақиҳ бошга ҳар таёқ тушганда:

– Ур, уравер, фурсат ғанимат... Дўстларидан айрилганнинг қуни шу, ҳақиқ эса таёқтир. Ур... деа инграрди.
Жалопиддин Румийнинг "Маснавий"сидан

➤ Соғлиқ ўзимизга боғлиқ

Офтоб уриши қандай рўй беради?

Офтоб тиғида бош кийимсиз юриш, куёш нурунинг тўғридан тўғри бошга тушиши, қалин кийим кийиш, ёпик, ҳаво айланмиши кам бўлган хона ёки биноларда узоқ вақт қолиб кетиш офтоб уришини келтириб чиқаради. Қуёш уруши ҳамма ёшдаги инсонларда кузатилиши мумкин. Лекин ортиқча тана вазнига эга бўлган, стресс ва неврологик зўриқишга мойил, айниқса, сурункали юрак қон-томир ва эндокрин тизими касалликлари бор бўлган инсонларда кўпроқ учрайди. Шунингдек, баъзи дори воситаларини қабул қилиш, алкогольдан мастлик ҳолатлари, тамаки чекиш ҳам куёш уришига мойилликни оширади.



Жигарни ҳам ёғ босадими?

Ёғли гепатоз бу жигар тўқималарида ёғ тўпланиши билан тавсифланади. Улим билан яқунланиши мумкин бўлган ушбу касалликнинг асосий аломати одамнинг орқасида, кўкрагида ва елкасида юлдузчаларнинг пайдо бўлишидир. Юздаги қон томирларининг шикастланиши ҳам ёғли гепатоз мавжудлигини кўрсатади. Тўғри ташхисни фақат шифокоргина қон таҳлили ва жигарни ультратовуш текширувидан ўтказиш орқали аниқлай олади. Кўпинча касаллик танадаги ёғ тўқималарининг бириктириши туфайли ривожланади.



Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агро-технологиялари илмий тадқиқот институти жамоаси институтда кўп йиллар самарали меҳнат қилган лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор
Герман БЕЗБОРОДОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия ихзор этади.

➤ "101" огоҳлантиради

Фарзандингизни назоратсиз қолдирманг!

Кузатувлар натижасида аниқланишича, болаларнинг ўйинқароқчилиги туфайли содир бўлаётган ёнғинлар аянчли оқибатларга сабаб бўлар экан.

Таҳлилларга қараганда республикамизда содир бўлаётган ҳар ўнинчи ёнғин айнан болаларнинг шўхлиги натижасида юзага келмоқда. Доимий огоҳлантириш ва узлуксиз тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, баъзан арзиманган эътиборсизлик туфайли келиб чиққан ёнғинлар учраб турибди. Бунга бир мисол, Сергели тумани Қурувчилар даҳасида яшовчи бир фуқаро ўз уйида, фарзандлари олдида тамаки

чекиб, фойдаланган гугуртни тоқчада қолдириб, юмушлари билан шуғулланиш учун ташқарига чиқиб кетади. Бу орада хона ичида қолган икки нафар ёш боласи тоқчада гугуртни олиб, кўп қаватли уйнинг орқа тарафида йиғилиб қолган шох-шабба ва чиқинди ўтларни ўйнаб ёқади. Қуруқ ўт ва шох-шаббалар тезлик билан ёниб, ёнғин содир бўлади. Оқибатда 150 метр квадрат майдонда чиқинди ва қуруқ ўтлар ёниб, атроф-



муҳитга зиён этади.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда аҳоли билан учрашувлар ташкил этилиб, бирламчи ёнғин ўчириш воситасини ишлатиш, ёнғин ўчириш асбоб-анжомларидан фойдаланиш тартиблари борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётган. Маълумки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига

риоя қилиниши лозимлиги бола-ларга қанчалик барвақт ўргатилса, шунчалик мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирда мактабларда, мактабгача таълим ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларининг ўқув режаларида ушбу масала ўз аксини топган, ёнғин хавфсизлигига доир таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган.

Ҳурматли ҳамюртлар! Фарзандларимизга ёнғин ва унинг оқибатлари хусусида мунтазам равишда тушунча бериб, уларнинг кўникмаларини ошириб борсанг, қўзланган мақсадга эришган бўламиз. Тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган мол-мулкнинг бир неча сонияда кўкка совурилиб, фожиа қурбони бўлмай десангиз, фарзандларингизни ҳаминга назорат қилинг, ўз уйингизни ўзинингиз асранг!

Яҳё МАМАЖОНОВ,
Сергели тумани ФВБ 10-ёнғин кутқарув қисми смена бошлиғи, катта лейтенант.